O`zbekiston Respublikasi
Samarqand viloyati
Samarqand tumani
**HOKIMI**
**QARORI**

**РЕШЕНИЕ**
**ХОКИМА**
Самаркандского района
Самаркандской области
Республики Узбекистан

0, Samarqand viloyati, Samarqand tumani, Gulobod qo'rg'oni.
Tel.: +998(366) 612-55-31, faks: +998(366) 612-55-90

140300, село Гулабад, Самаркандского района, Самаркандской области
Тел.: +998(366) 612-55-31, факс: +998(366) 612-55-90

2015 у.г. «14» июл №928-К

**“Оҳалик” қишлоқ фуқаролар йиғини “Янгихаёт” маҳалласида фуқаро Назимов Бахтиёрга савдо ва маиший хизмат кўрсатиш шахобчалари қуриш учун ер майдони ажратиш тўғрисида”**

Фуқаро Назимов Бахтиёр туман ҳокими номига “Оҳалик” қишлоқ фуқаролар йиғини “Янгихаёт” маҳалласи ҳудудидан намунавий лойиха асосида қурилаётган уй жойлар массиви бош режасидан савдо ва маиший хизмат кўрсатиш шахобчалари қуришга ер майдони ажратишни сўраб ёзган аризаси, туман ер танлаш ҳайъатининг тузган далолатномаси, вилоят табиатни муҳофаза қилиш қўмитасининг Давлат экологик экспертизаси хулосасини, Узбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 2013 йил 26-февралдаги “Шахарсозлик фаолиятини амалга ошириш ва қишлоқ хўжалигига оид булмаган эхтиёжлар учун ер участкаларини бериш тартибини тубдан соддалаштириш чора тадбирлари тўғрисида”ги 54-сонли ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 20 августдаги 357 сонли “Тадбиркорлик фаъолиятини ташкил этиш учун рўйхатдан ўтказиш тартиботлари тизимини тубдан такомиллаштириш тўғрисида” қарорларига асосан

**Қ А Р О Р  Қ И Л А М А Н:**

1. Фуқаро Назимов Бахтиёрга “Оҳалик” қишлоқ фуқаролар йиғини “Янгиҳаёт” маҳалласи ҳудудидан намунавий лойиха асосида қурилаётган уй жойлар массиви бош режасидан савдо ва маиший хизмат кўрсаиш шахобчалари қуриш учун 0.07 га қишлоқ хўжалигида фойдаланмайдиган туман захира ерлари хисобидан ер майдони ажратиш ҳақидаги туман ер танлаш ҳайъатининг тузган далолатномаси тасдиқлансин.

2. Фуқаро Назимов Бахтиёрга савдо ва маиший хизмат кўрсаиш шахобчаларини қуришдан олдин қатъий равишда Ўзбекистон Республикаси “Шахарсозлик кодекси”нинг 8, 39, 54 моддаларига амал қилган ҳолда архитектура талаблари топшириғи (АРТ), лойиҳа ҳужжатларини тайёрлаб Давлат қурилиши экспертизаси рўйхатидан ўтказиш вазифаси юклатилсин.

3.Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш туман ҳокимининг биринчи ўринбосари Қ.Қурбонов зиммасига юклансин.

**Туман ҳокими** **Б.Кадиров**